

## ҚУЁНЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ ЙЎЛЛАРИ

**Ходжаев Улугхўжаса Тўрабоевич**

*“Зооинженерия ва ипакчилик” кафедраси асистенти,  
Самарқанд давлат ветеринария медитсинаси, чорвачилик  
ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали,*

**Мухитдинова Нозимахон Фахриддин қизи**

*Магистрант Самарқанд давлат ветеринария медитсинаси, чорвачилик  
ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали*

**Аннотация:** Ушбу мақолада қуёnlарни парваришилашда йўл қўйиладиган камчиликлар ҳамда улар билан муомала қилиш, тўғри ушлаш, гўшт маҳсулдорлиги, тери турлари ҳақида сўз юритилган.

**Аннотации:** В этой статье обсуждаются подводные камни ухода за кроликами и обращения с ними, правильное обращение, выход мяса и типы кожи.

**Аннотатион:** This article discusses the pitfalls of rabbit care and handling, proper handling, meat productivity, and skin types.

**Калит сўзлар:** Витамин, аллергия, гипертония, темир, фосфор, кобальт, марганец, мўйна.

**Ключевые слова:** Витамин, аллергия, гипертония, железо, фосфор, кобальт, марганец, мех.

**Кей wорds:** Vitamin, allergy, hypertension, iron, phosphorus, cobalt, manganese, fur.

**Кириш:** Чорвачиликда гўшт, тухум, балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Қуёnnинг танаси кичик бўлса-да, берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали. Қуён гўшти соғлиқ учун фойдали бўлиб, бошқа гўштлардан таъми ва парҳезбоп хусусиятлари билан ажralиб туради. Янги музлатилган қуён гўшти барча мавсумларда фойдаланиш имконини беради.

Дунёда саноат усулида қуён боқиш кенг тадбиқ этилган бўлиб, маҳсус катакларда, ёпиқ биноларда мақбул микроиклим шароити таъминланган ҳолда тўлиқ рацион асосида белгиланган озуқа билан боқилади.

Қуён гўштининг биологик хусусияти, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобга олиб, аҳолини барча қатламига шунингдек, турли касалликларга чалинган (аллергия,

гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касаллик)ларига чалинганларга уни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Мактабгача ёшдаги болалар, ўсмиirlар, эмизикли аёллар, кексалар учун ҳам жуда фойдалидир. Инсон ҳаёти давомида истеъмол қиласиган озуқалар таркибидаги тўйинган ёғларни камайтириш хусусиятига эга. Қуён ёғи жароҳатларни даволашда, қичима ва аллергияга қарши восита сифатида қўлланилади. Ундан пардоз ва даволовчи дори-дармонлар ҳам тайёрланади.

Таркибидаги оқсил миқдори қўй, мол, чўчқа гўштларига қараганда юқори, витамин ва минераллар кўп қуён гўшти деярли барча гўшт турларидан устун туради. Қуён гўшти таркибидаги витаминлар ва темир, фосфор, кобальт, марганец, фтор, калий моддаларини бошқа ҳеч қайси гўшт билан тенглаштириб бўлмайди.

### Қуёнлар билан муомала қилиш

Кўпинча қуёнбоқарлар қуёнлар билан қандай муомала қилиш керак, яъни уларни қандай ушлаш, қандай кўтариш керак деган саволларни беришади. Ҳозир суратлар ёрдамида сизга қуёнларни қандай ушлаш, кўтариш, дорилар бериш керак-лигини қўрсатиб берамиз. Биринчи галда шуни эслаб қолишингиз керак - қуён жуда нозик жонивор, унга озгина ҳаракат билан ҳам зарар етказиб қўйиш, танасини қонталаштириб ёки бирор жойини синдириб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Айниқса, бўғоз она қуёнлар билан муомала қилганда жуда эҳтиёткор бўлишингиз керак, уларни қўрқитиши, сиқиши, ташлаш асло мумкин эмас. Бу уларнинг бола ташлашига олиб келиши мумкин! Барча ишларни тинч шароитда, тезкорлик билан, лекин оҳиста, бақирмасдан ва албатта қуённи урмасдан амалга ошириш керак. Шу билин бирга ўзингизнинг хавфсизлигингиз чораларини ҳам таъминлаб қўйишингиз керак, тажрибангиз камроқ бўлса қўлингизга иш қўлқопларини кийиб олишингиз керак, бу сизни қуённинг тирнаши ёки тишилашидан ҳимоя қиласи. Эслаб қолинг ҳеч қачон қуённи қулогидан кўтарманг! Бу қуён учун хавфли ва унга жуда оғриқлидир. Қуённи қафасдан чиқариб олиш учун, эҳтиёткорлик билан уни қулогидан ва шу қўлимиз билан елкасидаги терисидан кўшиб ушлаб оламиз, иккинчи қўлимиз билан эса белидаги терисидан ушлаймиз. Ушлаганда ҳам ишонч билан, қўрқмасдан, маҳкам ушлаш керак.

### Қуённи тўғри ушлаш

Қуённи шу усулда ушлаб олиб, уни аста-секин озгина баландликка кўтариб қўрамиз, қуённи маҳкам ушлаб олганимизга, уни сирғалиб, типирчилаб тушиб кетмас-лигига ишонч ҳосил қилганимиздан кейин, жойдан-жойга олиб боришимиз мумкин. Бу усул билан фақат 4 кг вазнгача бўлган қуёнларни кўтариш мумкин, агарда қуёningиз оғирроқ бўлса ёки бўғоз она қуён бўлса, у ҳолда қуённи қулоги ва елкасидаги терисидан ушлаганингиздан кейин, иккинчи

қўлингиз билан уни орқа тарафидан, пастдан кўтариб олишингиз керак. Бу ҳолатда исталаган қуённи, фақат қафасдан қафасга эмас, балки анча узок масофаларга ҳам кўтариб олиб бориш мумкин.



### *Қуёнларнинг гўшт маҳсулдорлиги.*

Қуёнчиликдан хилма-хил маҳсулот ва хом ашёлар олиниши мумкин. Халқимиз иборасида айтганда "Етти хазинанинг биридир". Чунончи мустақил Ўзбекистонда ривожланишининг бозор иқтисоди йўналишини танлаган бир пайтда қўп тармоқли фермерлик, ва хонадонларда, дехқон хўжаликларнинг тараққий этишида тадбиркорлик воситаси сифатида фойдаланса бўладиган тармоқdir.

Ўзбекистон шароитида ана шу имкониятлар мукаммал ишга солинса, барча хўжаликлар шароитида катта бевосита аҳолининг фаровонлиги ошишива хукуматимиз йўлланмасига лаёкатли хисса қўшган бўлинади.

Натрий тузлари қуён гўштида кам бўлади ва бу унинг бошқа хусусиятлари билан бир қаторда парҳез овқат сифатида яққол устунлигини белгилайди. Паст қувватли бу гўштни муентазам истеъмол қилиш инсон учун меъёрни сақлаб туриш имкониятини беради. Шифокорларимиз қуён гўштини парҳез маҳсулотлар қаторига киритадилар.

Қуён гўшти консерва қилинганда ҳам, дудланганда ҳам ўз мазасини ва сифатини сақлаб қолади. Шунинг учун хорижий мамлакатларда қуён гўштига талаб юқоридир. Юмшоқлиги жиҳатидан қуён гўшти парранда гўштига ўхшаб кетади, калориялиги жиҳатидан эса товуқ гўштидан қолишмайди.

Қуён гўштининг ҳазм бўлиш даражаси қорамол, чўчқа ва қўй гўштидан юқори туради, чунки унинг таркибида енгил ҳазм бўлувчи тўла қийматли оқсиllар кўпdir. Қуён гўштининг 100г. идан 90г.и ҳазм бўлса, мол гўштининг шунча қисмидан 62 г.гина ҳазм бўлади. Қуён ёғи тез эрийди ва ҳазм бўлиши қўй ва мол ёғига нисбатан енгилдир. Демак, қуён гўшти енгил ва микдорий

жиҳатидан кўп ҳазм бўлиб, организмга кўпроқ энергиябериш қобилиятига эгадир.

Ҳозирги вақтда фан ва техника жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир даврда аҳоли орасида қон босими касаллиги ҳам кўплаб учрамоқда. Бу касалликнинг сабабчиларидан бири деб тиббиёт ходимлари холестеринни кўрсатмоқда.

### Қуённинг териси

Терини сўйилгандан кейин ички томонидан ҳам доғлари бўлади. Жунни сиқиб, ёки тортиб қўриш, билан туллаш жараёнини аниқлаш мумкин, яъни туллаётган жун толалари қўлга осон илашади. Қуёнларда туллаш қиши фаслида секинлашиб ноябр март ойигача сўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Лекин Агрофирмалар тузилишидан келиб чиқиб ҳайвонларни йил давомида сўйиш тавсия этилади.

#### *Қуён терилари қуйидаги 3 та гурухга бўлинади.*

Гурухлар қуён терисининг юза сатҳи, см<sup>2</sup> билан ўлчанади ҳамда бош қисмли ва бош қисмсиз бўлакларга ажратилади.

- 1. Алоҳида, (йирик) 1600 см<sup>2</sup> дан зиёд 1500 см<sup>2</sup> дан зиёд**
- 2. Йирик 1300 см<sup>2</sup> дан 1600 см<sup>2</sup> гача 1200 см<sup>2</sup> дан 1500 см<sup>2</sup> гача**
- 3. Майда 1300 см<sup>2</sup>, 1200 см<sup>2</sup> дан кам**

Давлат андозасига қўра қуён мўйна териси сифат кўрсаткичларига қўра 4 та навга бўлинади.

1 - навга терида қилтиқ ва тивит толалари етилган терилар киради. Терини ички томони тоза бўлиши керак. Баъзан камгина қилтиқ ва тивит толалари етилмаган, шунингдек ички қисмида кўпчилик белгилари озгина бор бўлсада терининг умумий юзасига нисбатан 1% дан ошмаса ҳам 1 - навга ўтказилади.

2 - навга теридаги қилтиқ ва тивит толалари тўлиқ етилмаганлари киради. Терини ички қисмида тўлиқ ёки парчалардан иборат қўкишлик белгилари мавжуд. Бўлсада, яғрин қисми тоза бўғианлари киради. Баъзан 1 - навга хос, лекин жун қоплами сийрак ва юпқа терилар ҳам бу навга киради.

3 - навга қуён мўйнасидаги қилтиқ ва тивит толалари тўла етилмаган, терини этли қисми ёппасига, ёхуд парча-парча қўкишлик кўринишадаги терилар киради.

4 - навга сийрак қилтиқ ва тивит толаси, жадал туллаш даврида сўйиб олинган терилар киради. Ички эт қисми ҳам тўлиқ ёки парча-қўкишликка эга бўлган терилар киради.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

- Икромов.Т.И “Ўзбекистонда қуёнчиликни ривожлантириш” Тошкент-Фан 1983. 23-27 б
- Хамроқулов Р. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш” Тошкент – 1998. 76-78 б
- Адилова А., Холматов А. “Фермер хўжалигига қуёнчилик” Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали. № 11. 2010. 136